

ONLAYN MULOQOT

РАҲМАТ АЙТАДИГАН ИШ ҚИЛИНМАДИ



қилинган. Мулоқот давомида "Ёш китобхон" республика танлови хусусида ҳам сўз юритилиб, ғолибни Президент совғаси — "Spark" автомобили кутиб тургани қайд этилди. Шунингдек, жорий йилда "Ҳадислар билимдони" кўрик-танлови ўтказилиши режалаштирилган. Қ.Қуранбаев Ёшлар иттифоқи йигит-қизларга елкадош бўлишга ҳаракат

қилмадик. Ёшларни тўлиқ қамраб олиш учун имконимиз етарли. Фақат фидойилик керак. Тунни-тун, кунни-кун демай ишлаш керак, "ёниш" керак, ҳолос!". Шундан сўнг Ёшлар етакчиси ижтимоий тармоқлардан келган саволларга жавоб берди. Мурожаат этувчилар асосан таълим сифати, бошланғич ташқилот етакчилари фаолияти, "Ёшлар уйлари"ни олиш тартиби, ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, тадбиркор ва фермерларга яратилаётган имтиёзлар, жисмоний имконияти чекланган йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш масалаларига тўхтади. Янги ғоя ва таклифлар ўртага ташланди. Қ.Қуранбаев барча саволларга жавоб бериш баробарида айрим муаммоларни жойида ҳал қилди.

Санжар ЭШМУРОДОВ

SUHBATDOSH

Олимжон ДАВЛАТОВ:

"Биз ҳади ҳам Навоий апрофига айланиб юрибмиз"

хотирамиздаги ҳикматларнинг таг-замини Ҳазрат Мир Алишер Навоий мероси бўлиб келаётганини кўраимиз. Гап, устоз шоир шеърда эътироф этилганидек, ҳар икки боламизнинг бири Алишер

эканда эмас. Гап бизни бошқа миллату қавмлардан фарқимизни кўрсатувчи хослигимизда, руҳий ва маънавий ақидаларимизда".

Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги арафасида филология фанлари бўйича фалсафа доктори Олимжон Давлатов билан суҳбатлашдик. (Давоми 3-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қажрамон Қуранбаевнинг ёшлар билан навбатдаги онлайн мулоқоти бўлиб ўтди. Тадбир аввалида Иттифоқ томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилиши

режалаштирилаётган "Ёш ватандошлар" фестивали, II Россия – Ўзбекистон ёшлари форуми ҳақида маълумот берилди. Ёшлар етакчиси апрелда бўлиб ўтадиган "Ёш ватандошлар" фестивалидан катта мақсадлар кўзланганини айтди. Ушбу нуфузли тадбирга хорижий



давлатларда истиқомат қилувчи тўрт юз нафардан зиёд ҳамюртларимиз таклиф

қилаётганини таъкидлар экан, қуйидагиларни ҳам қўшиб қўйди: "Ҳали раҳмат айтадиган иш

ESHITDINGIZMI?

8-СИНФ ЎҚУВЧИСИГА "SPARK" SOBFA ҚИЛИНДИ

"Навоийлик ёш газалхонлар" танлови ғолибига вилоят ҳокими "Spark" автомобиллини топширди. "Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни" мавзусидаги II аънавий халқаро илмий-амалий конференция доирасида ўтказилган танловда юз нафардан зиёд ўғил-қиз иштирок этди. Кармана туманидаги 4-умумтаълим мактабининг 8-синф



ўқувчиси Иброҳим Гафоров 1-уринни қўлга киритди. Айни вақтда бу тенгдошимиз

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вилоят сардори сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

МАҚОМИМИЗ АҚШга ЯНГРАДИ

IV INTERNATIONAL MUSIC FESTIVAL SHASHMAQAM FOREVER

Dedicated to People's Artist of Uzbekistan Ustad Yunus Rajabiy



Нью-Йоркда "Абадий "Шашмақом" ("Shashmaqam Forever")

деб номланган IV халқаро мусиқа фестивали ўтказилди. У таниқли ўзбек композитори, маданият арбоби ва академик Юнус Ражабийнинг 120 йиллигига бағишланди. Фестиваль доирасида Юнус Ражабий мусиқий меросига доир илмий



конференция, шунингдек, юртимиз ва АҚШнинг етакчи мақом ижрочилари иштирокидаги концерт бўлиб ўтди.

ТЎГАРАКЛАР БЕПУЛ

Юртимиздаги 211 та "Баркамол авлод" болалар маркази томонидан умумтаълим мактабларида тарғибот ойлиги ўтказилмоқда. Унинг доирасида марказлардаги тўғарак раҳбарлари ўқувчи-ёшлар билан учрашиб, маҳорат сабоқларини бераётир.



ГИДЛАР ФОРУМИ ЎТКАЗИЛАДИ



21-22 февраль кунлари пойтахтимизда "Ипак йули: чегарасиз ҳамкорлик" мавзусида саёҳат гидларининг II халқаро форуми бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Тасвирий санъат галереясида "Гиднинг кундалик ҳаёти" деб номланган фотокўргазмани очиш ҳам кўзда тутилган.

ҚАМОҚХОНАДА ЕТАКЧИ САЙЛАНДИ

Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасининг жазони ижро этиш муассасасида Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти тузилди. Етакчи сифатида Усмонжон Холмуминов сайланган. У муассасадаги ёш ходимлар ҳамда маҳкумларнинг муаммолари билан шуғулланади. Ўз ахборотимиз.



MUNOSABAT

ТУРИЗМ СОҲАСИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧИЛДИ

Ривожланган мамлакатларда туризм иқтисодийётнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Бежиз эмаски, давлатимиз мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони соҳадаги қўлгина

муаммолар ечимига хизмат қилади. Унга мувофиқ, жорий йил 1 июлдан бошлаб юртимизда электрон кириш визаларини бериш тизими жорий қилинади. Ушбу чора сайёҳларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Негаки, бугунги замон кишиси учун вақт ғанимат, қолаверса, инновацион қўлайликлар ҳам жуда муҳимдир. Бундан ташқари, фармонда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини тўлиқ намойён этиш, замонавий

ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ҳолда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуринда бир қатор имтиёزلарга эга "Миллий PR-маркази" давлат унитар корхонаси ташкил қилинади. Қолаверса, илк бор "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" ички туризмни ривожлантириш дастури амалиётга татбиқ

этилмоқда. Унга кўра, таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари, ишчи-ходимлар, шунингдек, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари учун махсус экскурсиялар уюштириш кўзда тутилган. Албатта, юқоридаги саёҳат-ҳаракатлар туристик хизматлар сифатининг жаҳон талаблари даражасида бўлишини тақозо этади. Фармонда соҳада тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган шахсларга қўлайликлар яратиш

хусусида ҳам сўз борган. Имтиёзли шартларда кредитлар ажратиш, бепул симсиз интернет тармоғи (Wi-Fi)ни улатган хўжалик юритувчи субъектларига солиқ имтиёзлари бериш шулар жумласидан. Қолаверса, хоридан зарур техник воситалар олиб келиш учун ҳам керакли имкониятлар тақдим этилади.

Шаҳбоз САЙФУТДИНОВ,
Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси матбуот котиби

» JARAYON

МУАММОЛАР ОШКОР ЭТИЛДИ

Шахноза НУРУЛЛАЕВА

Ёшлар пресс-клубига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Куранбаев раислигида Videoselektor йўналиши ўтказилди.

Унда Ёшлар иттифоқининг ҳудудий ва маҳаллий кенгашлари раислари, ички ишлар органларининг бошқарма бошлиқлари, барча даражадаги ҳокимлар ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят, туман, шаҳар кенгашлари раисларининг ёшлар масалалари бўйича

ўринбосарлари иштирок этди. Қ.Куранбаев Иттифоқнинг қуйи тузилмалари фаолиятига танқидий муносабат билдириб, жойларда ёшларга оид давлат сиёсати кўнгилдагидек олиб борилмаётгани, мутасадди шахслар ўз вазифасига совуққонлик билан қараётганини таъкидлади. Йўналиш давомида

вилоят ва туманлардаги ёшлар масалалари бўйича масъул ходимлар ҳисобот берди. Ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, бу борада таълим муассасалари ҳамда ички ишлар органларининг ҳамкорлигини кучайтириш ва масъулиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу



Р.НАЗАРМАТОВ

билан бир қаторда, ёшларнинг дарсдан бўш вақтини самарали ўтказишига эришиш,

уларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш, бизнесга доир махсус

адабиётлар яратиш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

» ISLOHOT ODIMLARI

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ҲАМ КАСБ-ҲУНАР ЎРГАНАДИ

С.ТУРДИКУЛОВ

Ҳар қайси замонда ҳам мамлакат тараққиёти кагрлар салоҳиятига боғлиқ бўлиб келган. Юртимизда таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Мактабгача таълим Вазирлигининг ташкил этилиши, 11 йиллик мактаб таълимига ўтганимиз, олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларидagi ўзгаришлар фикримиз исботидур.

Президентимизнинг 2018 йил 25 январдаги "Умумий урта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида"ги фармони соҳа ривожини йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Кўни кеча Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган матбуот

анжуманида мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти тўғрисида маълумот берилди. — Жорий ўқув йилида 284 минг нафар ўқувчини 10-синфга қабул қилдик, — дейди

Халқ таълими вазири Улугбек Иноятов. — Қисқа фурсатда ўқув режалари қайтадан ишлаб чиқилиб, 18 номдаги 10-синф дарслиги етти тилда, 9 миллиондан зиёд

нускада чоп этилди. Навбатдаги ўқув йилида эса, 11-синф ўқувчилари 20 номдаги ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминланади. Мактаб таълимидаги ислохотлар малакали педагогларга бўлган эҳтиёжнинг ҳам кескин ошишига сабаб бўлди. Шу боис айтиш мумкин, 10-11-синф ўқувчилари мактабни битиргунча муайян касб-ҳунарни эгаллаш имконига ҳам эга бўлади, — дея таъкидлади вазири

ўринбосари Дилшод Кенжаев. — Бунинг учун жами 470 та мактаб ҳамда 1 минг 18 та касб-ҳунар коллежида ўқув ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этилган. Уларда эликдан ортиқ касб ўргатилмоқда. Матбуот анжумани давомида тизимда учраётган камчилик ва муаммолар ҳам тилга олинди. Хусусан, ўқувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича тегишли чоралар кўрилатгани айтилди. Яқунда журналистлар ўз саволларига жавоб олди.



» YOSHLAR PRESS-KLUBIDA

ҚОРАЎЗАКЛИКЛАРГА ИШ ТОПИЛДИ



Сардор БЕКЖОНОВ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси қошидаги ёшлар пресс-клубининг иккинчи сессияси Қораўзак туманида ташкил этилди. Унда йўл-қизларни ўлантираётган муаммолар ечими хусусида сўз борди.

Муҳокама жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси, ички ишлар, прокуратура органлари, Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши

раҳбарлари қатнашди. Мутасаддилар ёшларнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутиб, саволларига атоқлича жавоб берди. Бундай ёндашув эвазига айрим муаммолар шу

жойнинг ўзида ҳал қилинди. Жумладан, Бердақ овул фуқаролар йиғинида яшовчи Шаҳаргул Тоқплатова 2013 йилда Нукус тиббиёт коллежини

тамомлаб, ҳалигача ишсиз юрганни айтди. Туман ҳокими топириғига қўра, у тиббиёт бирлашмасига ишга олинди. Қувонарлиси, атиги бир соат мобайнида яна тўрт нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Шундан икки нафари имтиёзли кредит олиб, фермерлик фаолиятини бошлаш истагини билдирган. Сессия давомида билдирилган ҳеч бир таклиф ва мурожаат эътиборсиз қолмади. Ёшлар пресс-клуби ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

» TASHABBUS

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА КИТОБ ЎҚИЙСИЗ

Адҳам ЖўРАЕВ

Президентимизнинг ёшларни китобга қайтаришимиз керак, деган даъвати ҳамон қулоғимизда. Бугун мамлакат бўйлаб ушбу фикрга ҳайрихоҳлик кўрсатилиб, кўпгина амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Яратганга беадад шукр, юртимиз тинч, рўзгоримиз бут, қорнимиз тўқ. Энди таълим-тарбия масаласини жой-жойига қўйиш вақти келди. Тан олиш керак, соҳада камчиликлар бор. Уларни бартараф этиш, аҳолининг китобхонлик ўнаданиятини юксалтиришга ҳамма — ҳам давлат

ташкilotлари, ҳам хусусий сектор бирдай ҳаракат қияпти. Бундай савобли ишга тадбиркорларимиз бош қўшаётгани, айниқса, қувонарлидир. Мана, яқинда Сирдарё вилояти марказида замонавий кутубхона қад ростлади. Лойиҳа бироз ноодатийлиги билан ҳам киши эътиборини ўзига



шунингдек, салкам 300 та электрон китобдан фойдаланиш имконига эга. — Китоб фонди мунтазам ошириб борилади, — дейди Ёшлар иттифоқи Сирдарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари Сарвар Султонов. — Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизга кириб келди. Уларни китобхонлар манфаатига хизмат қилдириш айтиш мумкин. Тез кунларда янги кутубхона Wi-Fi (бепул интернет) тизимини ишга туширишни кўзда тутганимиз.

DUNYO BIZ HAQIMIZDA



"DIPLOMATISCHES MAGAZIN" тажрибамизни ёрумгу

Германиянинг "Diplomatisches Magazin" журнали юртимиз энгил саноат тармоғи ютуқларига бағишланган мақолани чоп этди.

Жумладан, унда ўзбек мутахассисларининг Франкфурт-Майн шаҳрида ўтказилган "Heimtextil – 2018" халқаро ярмаркасидаги иштироки ёритилган. Мазкур нуфузли форумда дунёнинг 64 мамлакати вакиллари қатнашган эди. Мақолада бугунги кунда республикамиз жаҳон бозорига юқори сифатли, рақобатбардор калава иплар, ранг-баранг матолар, пахмоқ ва трикотаждан тайёрланган кийим-кечаклар етказиб бераётгани ҳақида айтилган.

Нашр "Uztext Group", "Deluxe Fabric", "UzCotton Group", "Ideal", "Nil-Grani", "Osborn Textile", "Bahmal Group", "Aisha Home Textile" каби ёрлиқлар билан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Франкфурт ярмаркаси меҳмонлари — харидор ва истеъмолчилар томонидан юқори баҳолангани, немис компаниялари мамлакатимиз тўқимачилик корхоналари билан ўзаро самарали алоқалар ўрнатишдан манфаатдор эканини алоҳида қайд этди.

ҚИРГИЗ ОАВлари эътибор қарамгу

Қирғизистоннинг "Kabar" ахборот агентлиги ҳамда "Asiatv" телеканали веб-саҳифаларида мамлакатимизда "ақли туризм" ривожига оид мақолалар эълон қилинди.

Хабар қилинганидек, Бухоронинг халқаро туризм бозоридagi имижини ошириш, сайёҳларга қўлайлик яратиш мақсадида IT-технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, шаҳардаги қарий 50 та тарихий объектда QR-кодлар ўрнатилган. Мазкур инновацион тизим сайёҳларга санокчи сониялар ичида ўзи турган жой яқинидаги диққатга сазовор масканлар, меҳмонхона ва рестороанлар ҳақида батафсил ахборот олиш имконини беради. Қирғизистон оммавий ахборот воситаларининг

таъкидлашича, шунга ўхшаш хизматлар "ақли туризм"ни ривожлантириш лойиҳаси доирасида жорий қилинмоқда. 2018 йил 1 апрелгача QR-кодлардаги барча маълумотлар сайёҳларга нақ 12 тилда тақдим этиладиган бўлади. Ҳозирги кунда мазкур инновация "Поий Калон", "Токи саррофон", "Токи телпақурушон", "Токи заргарон" мажмуалари, Гавкушон, Қўқалдош, Нодир Девонбеги мадрасалари, майдо ансамбли, Лаби ҳовуз ҳақида батафсил ахборот олиш имконини беради. Қирғизистон оммавий ахборот воситаларининг

"Жаҳон" АА материаллари асосида тайёрланди.

9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Олимжон ДАВЛАТОВ:

“БИЗ ХАЛИ ХАМ НАВОИЙ АТРОФИДА АЙЛАНИБ ЮРИБМИЗ”

— Гапни бироз танқидий фикрдан бошласам. Қўлни кўксимизга қўйиб, “Навоий бобомиз” дейишни қойил-латамиз-у, аммо битта газалини шарҳлаб бер десалар, тил тишлаймиз...

— Буюкларнинг қисмати доим ҳам раво кечмас экан. Вақт ва замон эври-лишлариан устун турган улуғ зотларни тўғри англаш ва талқин қилиш йўлида адабиётлар бўлади. Икки асосий ҳолатга изоҳ бермоқчиман. Биринчиси, буюк инсонларни англамаслигимиз, уларнинг дунёқарашидан узоқлашганимиз туфайли, ижоди, илмий мероси ҳақида эҳсанлиқ уринамиз. Масалан, Ибн Сино, Фирӯбий, Берунийга доир сўнги ўттиз-қирқ йил ичида республикамизда неча жиддий тадқиқот амалга оширилди? Йўқ, қилинмаган. Сабаби уларни тушунадиган, олимлар қолмади ҳисоби. Мутафаккир, алломаларимиз билими, тафаккури биздан узиб кетган, моҳиятга етиш учун кўп меҳнат қилиш керак.

Бошқа бир жиддий хатар шуки, буюклардан ўзимизга бут-санам ясаб олишга одатланганимиз. Мана, масалан Ҳазрат Навоийга ҳайкаллар ўрнатганимиз, ҳудудий бирликлар, метро станцияси, кўчалар, ҳатто фермер хўжалиқларини унинг номи билан атадик. Ҳар йили Алишер Навоийнинг туғилган кунини муносабати билан турли тадбирлар уюштирамиз. Бундан гўёки, биз Навоийни биламиз, тушунамиз деган тасаввур ҳосил бўлади. Аслида, ундай эмас.

Умумий олганда, аксариятининг Навоий шахси ҳақидаги тасаввур ва билимларимиз кинофильмлар ҳамда Ойбек домла-нинг “Навоий” романидан нари ўтмайди. Ижодидан хабардорлигимиз эса, мактаб дарслигидан жой олган “Ғубролда ғариб шодмон бўлмас эмиш...” рубоийи ҳамда қўшиқ бўлган газаларидаги уч-тўрт мисрадан ошмайди.

Яширининг ҳолати йўқ — мамлакатимизда Навоий

асарларини бошдан-охир ўқиб чиққан, ақали элик-олтмишта газалини ёддан биладиган ёки битта газалини тўлиқ шарҳлай оладиган олимлар бармоқ билан санарли.

Айтаетганларимни навбатдаги умидсиз дийди-л сифатида қабул қилмаслигини истардим. Баланларвоз гаплардан амалий ишларга ўтиш даври келди. Ифтихор билан айтманки, ҳозир юртимизда Навоийнинг бутун бошли дostonини ёд олган, газаларини ҳатто инглиз тилида раво айтиб бера оладиган қорақўллар бор.

— “Навоий талқинида инсонийлик” мақолагида хушхулук хусусида тўхталиб, Навоий 76 иллатни санагани ҳақида айтган эдингиз. Бу ҳақда ўқувчиларга эслатсак.

— Инсон ҳайвон ва фаришта қоринмасидан ҳосил бўлган. Ҳайвон — бутирик мавжудот, ҳаёт. Агар у ҳашим, ғазаб, кибр-тақаббурилик, риб, куч, хийла-найранг, макрга куч берса, шу даражада тубанлашадиган, дунёдаги биронта ҳам жонзот унга тенглашолмайди.

— Одам ҳайвонга айланса, ундан баттар бўлади, деганди буюк Тағор.

— Шундай. Боиси ҳайвоннинг бунчалик ёвузлик қилишга ақли етмайди, инсон эса, онгли мавжудот. Агар у иллатлардан тийилиб, ўзида сабр, тақво, қаноат, бериёлик, сидқ каби эзгу хислатларни тарбиялашга ҳаракат қилса, фаришталардан юксакроқ мақомга эришади. Ҳазрат Навоий инсонийлик хусусида гапирганда, ғазаб, ҳашим ҳам ўз ўрнида кераклигини айтган. Ғазабсиз одам бир даъос каби, усиз қандай қилиб душманга қарши курашиш мумкин. Румий Ҳазратлари айтганидек, барча ёмон хислатларнинг асоси иккита: бири — тақаббурилик, бошқаси — ҳасад.

Кибр шайтондан мерос. У тақаббурилик туфайли илоҳий амрга итоат этмади

ва шунинг учун лаънатга учради. Ер юзидаги илк жиноят ҳам ҳасад туфайли содир этилган: Одам алайҳиссаломнинг зурриёти — Қобил укаси Ҳобилга ҳасад қилди ва уни ўлдирди. Инсон ана шу икки иллатни бартараф этолса, қолганлари ўз-ўзидан барҳам топади.

— Менга навоийшунослар халқни Навоийдан узоқлаштираётгандай туюлади. Қийиндан-қийин шарҳлар ёзасизлар, олдий эссе ёки мактублар орқали ўқувчини навоийхон қилиш мумкин эмасмикан?

— Мен бошқача фикрдан: Навоийни оммалаштиришдан кўра, оммани навоийлаштириш яхшироқ ва фойдалироқ. Лекин фикрингизда ҳам жон бор. Навоийни англаб етган навоийшуносларимиз жуда кам. Шунчаки ҳамма нарсани олиб бориб тасаввурга боғлаш ярамайди. Билим саёзлиги сабаб тушунарсиз шарҳлар пайдо бўляпти. Навоийни тушуниш учун унинг кутубхонасини урганиш керак. Ҳазрат нималарни ўқиган, нималарни ўрганган ва нималардан завқлангани, “Мантқиқ ут-тайр”ни болалигида ёд олгани ҳақида унинг ўзи гувоҳлик беради. Уша китоб юртимизда қачон таржима қилинди, неча маротаба нашр этилди, уни қанча китобхон ўқиди? Биз ҳали ҳам Навоий атрофида айланиб юрибмиз, ичига киролганимиз йўқ. Кўп ўқиймиз керак.

— Мумтоз адабиёт қабни асрайд ва ўйотади, дейишди...

— Асрлар ўтса-да, ўз қийматини йўқотмайдиган нимаки мавжуд бўлса, бари классика. Одам жисмига ҳаво, сув, қуёш, нон қанчалик зарур бўлса, руҳиятига Навоий асарларидек маънавий дурдоналар шунчалик керак. Яшаш учун озиқ-овқатга қандай эҳтиёж сезсак, мумтоз асарлар ҳам ички олами-мизни тўйинтириш учун шунчалик зарур. Бир сўз билан айтганда, ўзбек халқининг тарихида маънавийтини Навоийсиз тасаввур қилиш мушкул.

— Тадқиқотчилар Навоий ижодида ҳаёт моҳиятини англаш ва англатишга уриниш кучли эканини таъкидлайди. “Ҳайрат ул-аброр”ни тадқиқ қилган олим сифатида ана шу фикрни исбот-ласангиз.

— Умр эрур тақвоий тоат учун, Тенгри буюргонга итоат учун. Ёки: Одами эрсанг демагил одами, Онвиким йўқ халқ ғамидин ғами.

Юқоридагилар ҳазратнинг ҳаётий маслаҳати, ҳаётий ҳақиқатлари эди. Навоий таъби нозик инсон бўлган, хато қилган ва улардан надомат чеккан. Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим, Жон баса қилдим фидо оромижоне топмадим.

Ғарбада “меценат”лар тушунчаси машҳур. Аслида Меценат шахс номи. Брут империяси парчаланган, Рим варварлар қўлига ўтди. Бошбошдоқлик, тартибсизлик авж олади. Илм-фан, маданият, санъат ривожланишдан тўхтади, сўзнинг қадри қолмайди. Меценат жуда давлатманд киши бўлиб, ана шундай пайтда бутун бойлигини Горацийдек бир қайсар шоирнинг камолоти учун сарфлайди. Гораций эса, бунинг эвазига Меценатнинг номини тарихга муҳрлайди. Шундан буён илм-фан, маданият ҳомийлари меценатлар, деб атала бошланди.

Назаримда, Навоийга нисбатан “меценат” сўзини қўлласак, ул зотни бироз чеклагандек бўламиз. Алишер Навоий Горацийдан кам эмасди. У дунёга минг йилда бир марта келадиган даҳо шахсдир.

— Мумтоз адабиёт қабни асрайд ва ўйотади, дейишди...

— Асрлар ўтса-да, ўз қийматини йўқотмайдиган нимаки мавжуд бўлса, бари классика. Одам жисмига ҳаво, сув, қуёш, нон қанчалик зарур бўлса, руҳиятига Навоий асарларидек маънавий дурдоналар шунчалик керак. Яшаш учун озиқ-овқатга қандай эҳтиёж сезсак, мумтоз асарлар ҳам ички олами-мизни тўйинтириш учун шунчалик зарур. Бир сўз билан айтганда, ўзбек халқининг тарихида маънавийтини Навоийсиз тасаввур қилиш мушкул.

— Тадқиқотчилар Навоий ижодида ҳаёт моҳиятини англаш ва англатишга уриниш кучли эканини таъкидлайди. “Ҳайрат ул-аброр”ни тадқиқ қилган олим сифатида ана шу фикрни исбот-ласангиз.

— Умр эрур тақвоий тоат учун, Тенгри буюргонга итоат учун. Ёки: Одами эрсанг демагил одами, Онвиким йўқ халқ ғамидин ғами.



ИЖОДИЙ МЕРОСИ АВЛОДЛАРГА МАДАДКОР

Дилқушо НАВРҲУЗОВА

Навоий шахрида “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётигаги ўрни” мавзуда II халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Йирик анжуман вилоят ҳокимлиги, Республика маънавият тарғибот маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ёшлар итти-фоқи ҳамкорлигида

ташкил этилди. Унда Туркия, Россия, Озарбайжон, Афғонистон, Тожикистон, Қозғоғистоннинг етук олимлари, адабиётшунос ҳамда академикларимиз, шунинг-дек, Навоий ижодини

ўрганаётган ёш тадқиқот-чилар иштирок этди. Дастлаб хоризждан келган меҳмонлар, кенг жамоатчилик вакиллари ва талаба-ёшлар Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиб, буюк шоирга



Навоий газалларининг маъно ва мазмунини теран англаб етинг, у билан фахр-ифтихор этинг. Бошингизни баланд кўтаринг, зеро, сиз шундай буюк зотнинг авлодсиз. Ул зотнинг туғилган кунлари сизнинг туғилган кунингиз! Ўзбек адабиётининг, гўзаллик ва нафосатининг туғилган кунидир.

Гарри ДИК, канадалик адабиётшунос ва таржимон

ЖАҲОН АҲЛИ БЕФАРҚ ЭМАС

Зулҳумор МИРЗАЕВА, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси

Улуғ мутасаррақ шoir Алишер Навоий қаламига мансуб бебаҳо асарлар ҳамон дунё микёсига камта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Ҳазрат маънавий меросига бундай муносабат Шарқда у яшаган даврдан шаклланган бўлса, XVI асрга келиб Ғарб оламида ҳам намоён бўла бошлади.

Мамнуният билан айтиш керакки, К.Адахл, Д.Девис, В.Фельдмен, Д.Генчтурк, А.Радфал, М.Сабтелни, Г.Текин, Г.Фрагнер каби Америка, Германия, Авс-

трия, канадалик урта авлод навоийшунослари бобомиз ижодини матншунослик, адабиётшунослик нуқтаи назардан, илмий-назарий ёндашув асосида қиёсий

тадқиқ этди. Шу билан бир қаторда, асарларини таржима қилиш орқали Навоийни дунёга танитишга муносиб ҳисса қўшди. Хорижда Навоий тилини

тушунадиган ва қўлёзмаларини ўқий оладиган олимларнинг ёш авлоди ҳам етишиб чиққани алоҳида диққатга сазовор жиҳат. Қазауки Кубо, Марк Тоу-

тант, Александр Папас, Николас Вомсли шулар жумласидан. Улар юртимиздаги эркин адабий-илмий муҳит туфайли ўзимизда сақланаётган ноёб илмий манбалардан бемалол олиб бориш имконига эга. Эътиборлиси, ёш навоийшуносларнинг изланишлари изчиллиги ва кенг қамровлиги билан аввалгилардан фарқланади. Масалан, франциялик Марк Тоутант 2014 йилда “Сўнги Темурийлар даври маданияти: назира амалиёти” Алишер Навоийнинг “Хамса” асари мисолида

ўрганиш” мавзуда 700 саҳифалик докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Унда Темурий хукмдор — Хусайн Боқаро давридаги адабий тақдир ва таъсир ҳодисаси буюк шоирнинг “Хамса”си мисолида тадқиқ этилади. Шу билан бирга, Индиана университети тадқиқот-чиси Николас Вомсли ўз илмий ишини Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” таъкираси, Париждаги Усмоғли турк империяси, Болқон ва Марказий Осиёни ўрганиш илмий текшириш институти ходими Александр Папас эса, “Муҳокамат ул-луға-

тайн” асарини ўрганишга бағишлади. Киото университети профессори, осиешунос Қазауки Кубо ҳам ҳазратнинг ижтимоий, хусусан, илм-фанда камёб кузатиладиган ҳодиса — ҳомийлик фаолияти бўйича изланган. Олим ўз тадқиқотини Навоийнинг “Мақорим ул-ахлоқ”, “Бадоё ул-вақоё”, шунингдек, ундан кейин яратилган “Бобурнома”, “Тарихи Рашидий”, “Вақфия” асарларига таяниб амалга оширган. Кубо изланишлари давомида мутафаккир аждоғимиз кўп-кўп ижодкорлар — ёзувчи, шоир, хаттот,

эҳтиром кўрсатди. Ёшлар марказида халқаро конференциянинг очилиш маросими ўтказилди. Тадбирда вилоят ҳокими Қобул Турсунов сўзга чиқди. Шундан сўнг йиғилганлар эътиборига навоийшунос олимлар томонидан тайёрланган тезисли тақдимотлар ҳавола этилди. Профессор Иброҳим Ҳаққулниг “Навоий ижодиётида “адам ва вужуд” фалсафаси”, Мохсун Нағисой-луниг “Алишер Навоий ва Озарбайжон мумтоз шеърини”, Олмос Улвининг “Бобурнома”нинг Боку нусхаси тасвифи ва унда Алишер Навоийга алоқадор тасвирлар”, Абдусалом Абдуқодировнинг “Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди тожик мумтоз илму адаб аҳди талқинида” мавзудаги маърузалари кўпчилиқда қизиқиш уйғотди.

— Навоий бобомизнинг ўлмас шеърини мана, беш асри инсониятга маънавий мадад, эзгулик, бахт-саодат сари етакловчи куч бўлиб келмоқда, — таъкидлайди Навоий давлат педагогика институти талабаси Муҳиба Назимидинова. — У тинчлик, халқпарварлик, дустлик қийчаси бўлиб келган. Ул зот қолдирган маънавий меросни кунг билан ўрганишимиз, бу борада бошқаларга ўрнак кўрсатишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан. Даҳо шоирнинг ўлмас асарларини таҳлил ва талқин қила олсак, ишончим комилки, баркамот шахс сифатида камол топамиз.

— Чет элик олимларнинг ҳазрат Навоийга чексиз ҳурматини кўриб беҳад севинымиз, — дейди 9-синф ўқувчиси Қувончбек Ғайбуллаев. — Ана шундай буюк инсонлар авлоди эканимиз билан нафақат фахрланишимиз, балки уларга муносиб бўла олишимиз ҳам керак. Буни қарангки, бобомиз ҳайкаллари фақат Навоий, Тошкент ва Самарқанда эмас, дунёнинг бошқа йирик шаҳарлари — Москва, Алматы, Токио, Бокуда ҳам ўрнатилган экан. Бу ҳақда биламасдим.

— Анжуманнинг иккинчи — бадий қисми “Фарҳод” маданият саройида давом этди. Иштирокчилар Навоий газалларига бастанган тароналардан баҳраманд бўлди.

— Анжуманнинг иккинчи — бадий қисми “Фарҳод” маданият саройида давом этди. Иштирокчилар Навоий газалларига бастанган тароналардан баҳраманд бўлди.

» HAYOT SABOG'I

YOSHLIK ILHOMI

Ибодат

Уша ёз жуда иссиқ келди. Одамлар курғоқчилик туфайли кўп азият чекди. Шу сабабли черков роҳиб барчани йиғиб, Яратганга илтижо қилишга чорлади. Ибодатга бутун шаҳар аҳли йиғилди. Улар орасида бир бола соябон кўтариб олганди. Одамлар унинг устидан қулди:

— Аҳмоқ, ёмғирдан сира дарак йўқ-ку, соябон кўтариб олганингни қара!

Бола ҳайрон бўлиб жавоб берди:
— Мен бугунги илтижола-рингиздан сўнг ёмғир ёғишига ишонган эдим...

Нодир Абдул
ИБРОҲИМОВА
таржимаси

Аскар

“Мовий осмонни тўлдирган кўёш нурлари кунгабоқарлар орасидан мен билан бекинмачоқ ўйнаётгандек эди, гўё. Уч кундан буён ечилмаган этигимдан сув ўтаётганини ҳисобга олмаганда ҳаммаси яхши. Майсдан-майсага кўнаётган капалакларни кўриб, қани энди иложи бўлса-ю, қўлимдаги милтиқни улоқтириб, қалам олиб шеър ёзсам, деган ўй ўтади ҳаёлимдан.

Ҳақиқатан ҳам гўзал манзара. Яшасин галаба, яшасин тинчлик! Ниҳоят “совуқ уруш” устидан галаба қозондик! Ҳаммаси орда қолди. Ўғилчам ҳам ўлғайиб қолгандир. У мени кўриб роса севинса керак”. Бироқ аскарнинг бу ўйларини автоматнинг “чиқ” этган овози бузди. Кенг майдон узра кунгабоқар гуллари ҳар ёнга сочилиб кетди.

Обиджон РЎЗИБОВ

Бешик Биринчи нарма

Утонгга яқин буюртма қилинган барча бешикларни ясаб бўлди. Эгаларига тезроқ етказиш учун машинасига апил-тапил юклар экан, кўзи доимгидек сўрида алла айтиб, бешик тебратаётган аёлига тушди. Аёл унга меҳр-ла боқиб: “Полвонимиз уйғонгунча тезроқ қайтинг, дадажониси”, — дея йургакка уралган бир бўлак ёғочни ўпиб қўйди.

Мақтаб қоиндлага рига кўра, ҳар ҳафтада энг кўп аёло баҳо олган ўқувчилар учун синфдошларим билан ҳар доим рақобатлашардим. Аслида менга биринчи партада ўтириш шунчаки ёқарди. Ҳар кунни ўша аёлочи кизнинг ёнида бўлиш учун соатлаб

дарс қилардим. Хуллас, мактабни тугатгунча бу жойга ҳеч кимни яқинлаш-тирмадим. Ўлғайдик. Ҳаёт ўзгарди. Мен шаҳарга ўқишга кетдим. Уни эса, отаси ўқитмас-ликка қарор қилди. Ўн бир йил охириги партада ўтирган синфдошимизга турмушга берди. Шунда тушуниб етдимки, мактабдаги баҳолар ҳаёт учун қўйилмас экан.

» ASLIYATDAN TARJIMA

Азиз НЕСИН

Оёғингизни кўтаринг,
пошшо ҳазратлари!

(ҳажвий ҳикоя)

Тўриқ билан Улғабегни ТАРДАЕВ таржимаси

Қийинчиликларнинг барчаси номинг жиннига чиққунга қадар экан. Номинг жиннига чиққунга, ҳаётда ҳеч қачон қийинчиликка учрамас экансан. Шундан бўлса керак, девона деб чақирилишини устаганларнинг кўпи бу “осон” ишнинг уйдасидан чиқа олмаган. Аммо Юсуф ҳарбий мактабни тамомлаб, мулозимни соний, бўлар-бўлмас исмидан олдин “жинни” лақаби қўйиш кераклигини англади: Жинни Юсуф...

Жинни бўлишдан мақсад, руҳий касаллар шифохонасига тушиш эмас. Далли-девона бўлиб озодликда юриш, киши учун энг ишончли “дахлсизлик”дир. Бирон ақлли киши хато иш қилиб қўйса, балога қолиши тайин. Аммо жинни одам аҳмоқнинг ишини қилса: “Э, бу бир жинни бўлса!...” — деб қўя қолади-лар. Мабодо у соғ одамга хос бирон иш қилса, “Жинни ҳам одам-да!...” — деб “адолат” қилишади.

Жинни Юсуф ана шунақа “ўртача” жиннилардан эди. Мана дунёга келибмизки, нимагадир, жинниларга меҳримиз бўлакча. Жинни Юсуф ҳам ҳамма яхши кўради-ган зобитларимиздан эди. Кўзи ҳам, ўзи ҳам, сўзи ҳам тўқ одам эди. Шу фазилати билан лавозимга тайинланиши ҳам осон кечди. Қисқа вақт ичида пошшо даражасига кўтарилди. Ходимлар бўйича масъул зобит Ҳасан афанди Жинни Юсуф пошшонинг бўлимасидан эди. Хизмати давомда Ҳасан афандининг рутбаси тўрт марта олиб қўйилди. Лекин ҳар



сафар яна ўзига қайтариб берилди. Унинг энг эзгу истаги қўл оғаси лавозимидан нафақага чиқиш эди. Борди-ю, уруш бўлаётган вақтда мингбоши-ликка кўтарилиб қолса, бас — ишлар “беш” бўлиши тайин эди.


Жинни Юсуф пошшо Ҳасан афандини яхши кўрарди. Ҳасан афанди ҳарбий мактабни тугатмаган, маълумотсиз зобитлардан эди. Ҳарбий билим олмаган бўлса-да, бироқ жуда меҳнатқаш, софдил, удабурон эди. Зеро, уруш вақтида аскардан талаб этилаётган энг муҳим нарса ҳам шу-да!

Ҳасан афанди мингбоши бўлиб, ундан кейин нафақага чиқиш умидида бор кучини

аямай хизмат қиларди. Аммо эгаллаб турган лавозимидан маҳрум бўлишдан қўрқиб, ичи эзиларди. Нақ тўрт марта лавозимдан олиниб, мулозим-ликка туширилиб, яна қайтадан қўл оғаси даражасига кўтарилиш ҳазилакам иш эмас... Мингбоши бўлолмасча ҳам, ана шу қўл оғаси лавозимидан нафақага чиқишга ҳам рози эди у. Ушбу лавозимини кўп кўрмасалар бўлгани...

Уша вақтлар урушда магнитли сахро телефонлари қўлланилар эди. Телефонда гаплашаётган киши тугмани босмаса, нариги тарафдан келаётган овоз эшитилмасди. Қароргоҳда телефонда кимдир гаплашадиган бўлса, Ҳасан афанди нима қилишини

билмасдан шошиб қолар, атрофдагиларга қараб: “Қандай гаплашасиз, шу телефон деганини ҳечам тушуна олмадим! Неча марта кўрдим, лекин гаплаша олмадим”, — дея аччиқланди. Ахир, Ҳасан афанди телефонда тугма борлигини, гаплашишдан олдин уни босиш кераклигини



билмасди-да. Бир кун қароргоҳда зобитлардан бири телефонда гаплашаётганида, Ҳасан афанди унинг ёнига келиб: — Менга бер-чи шуни, — деб зобитнинг қўлидаги матоҳни тортиб олди ва: — Ало... Алооо!... — деб бақира бошлади. Лекин овоз келмасди. Ёнидаги зобит унга қараб: — Шунақаям гаплашадими, Ҳасан афанди?! Телефонда гаплашаётганида икки оёқни бирдан ерга босяпсан, электр токи тупроққа сингиб кетаяпти, шунга ҳам ақлинг етмайдими? — деди.

— Нима қилишим керак унда?... — Бир оёғингни кўтариб, иккинчисини ерга тирашинг керак. — Ҳа, шунинг учун гаплашолмас эканман-да! — Албатта... Мана энди тушундингми?..

Ёш зобит бир оёғини кўтариб, телефонни қўлига олиб, Ҳасанга сездирмасдан тугмани босди. Кейин гўшакни Ҳасан афандининг қулоғига яқинлаштириб: — Энди оёғингни кўтар-да, гаплашавер, — деди. Ҳасан афанди бир оёғини кўтарди-да, ёш зобит тўтиб турган гўшакка қараб гапира кетди. Шу пайт котиб аскар ичкарига кириб, Ҳасан афандига: —

Пошшо ҳазратлари сизни сўраптилар, — деди. Ҳасан афанди беш дақиқа ўтар-ўтмас Жинни Юсуф пошшонинг ҳузуридан ранги қизариб-бўзариб чиқиб келди. Бошини икки қўли билан чангаллаб: — Унвон яна қўлдан кетди, — деди.

Ҳасан афанди шу билан бешинчи мартаба унвондан қуруқ қолиши эди. У яна мулозимликка лойиқ топилганди. Ҳасан афанди Жинни Юсуф пошшонинг ёнига кирганида у ким биландир телефонда гаплашаётган эди. Хонада унинг муовини билан арқони ҳарб раиси бор эди. Телефон алоқаси яхши бўлмагани боис, пошшо асабийлашиб ўтирган-ди. Фурсатдан фойдаланиб, мингбошилик унвонини олишни орзу қилган Ҳасан афанди Жинни Юсуф пошшога қараб: — Бир оёғингизни кўтаринг, пошшо ҳазратлари! — деб юборди.

Жинни Юсуф пошшо қўл остидаги зобитлар билан тўғридан-тўғри гаплашмасди. Шу боис мазкур ҳолат уни таажублантириб қўйди. Ёрдამчисига қараб: — Нима дейди? — деб сўради.

Ёрдამчиси Ҳасан афандига юзланди: — Нима дедингиз? Ҳасан афанди яна қайтарди: — Пошшо ҳазратлари, телефонда гаплашиш учун бир оёғини кўтарсин, — деди.

Ёрдამчиси Юсуф пошшога мазкур гапни етказди. Шу пайт хонада момақалдироқ гўмбурлагандек бўлди. Пошшо ўқиб юборди... Ҳасан афанди қочди. Ўз хонасига чиқиб столга ўтирди. Телефонни болаб сўкиб, хуморидан чиққач: — Унвон кетди энди, ҳаммасини қайтадан бошлай-миз! — деди...

ВИКТОРИНА ФОЛИБИ
АНИҚЛАНДИ

Бобомиз Алишер Навоийнинг маънавий меросини ёшлар орасида тарғиб этиш мақсадида январь ойида газетамизда “Навоийни англаш” викторинаси эълон қилинган эди.

Викторина доирасида сиз, азиз ёшлардан мутафаккир шоир ижод бўстонида сараланган жами еттига газални шарҳлаш ҳамда жавобларни таҳририят электрон манзилига юбориш талаб қилинди.

Яқиний натижаларга кўра, тўлиқ шарҳларни Навоий вилоятидан Сабоҳат Қанонова жўнатган. Бу муҳлисими Алишер Навоийнинг ўн жилдлик тўла асарлари тўлаими ҳамда фахрий ёрлик билан тақдирланди.

Фурсатдан фойдаланиб, викторинада фаол иштирок этган барча муштарийларга миннатдор-лик билдираемиз.

Таҳририят.

» MENING FIKRIM

Аслингиздек
кўрининг

Марғона ЗОКИРОВА

“Хўп замонлар келди-га, болаларим. Биз ёшликда қошга ўсмани шайдоғи қўйиб кетаверардик. Помада, тушь, лак деган нарсаларни билмасдик. Соч ўрилса, шунинг ўзи зўр турмак эди. Замонангдан айланай, биргина кўзга оро беришга ўн хил нарса майёр-а?!

Унингиди ўқийди ган наирам кўчага чиқмоқчи бўлса, ярим соат кўзгу олдида ўтиради. Чунонан бўянадики, кўрсанг нақ малика дейсан. Кўзимга ниқоб тақиб олгандай кўринаверади, қўрмағур. Замон ўзгарган эмиш...”. Бу тахлит гап-сўзлар тез кулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Сабаби бугун айрим қизлар ўзларига ҳаддан зиёд оро бермоқда. Албатта, ўзинга қараб, тартибли, озода, чиройли бўлиб юришга нима етсин, аммо асалнинг ҳам ози ширин-да.

Олимлар томонидан ҳар бир косметика воситаси табиий маҳсулотлардан бўлмагани ҳолда, инсон организмга салбий таъсир кўрсатиши исботланган. Умуман, ўзига оро бермас-лик тарафдори эмасман,

аммо меёр тушунчасини унутиб қўймастик керак-да. Мени қизиқтирадигани — мактаб ўқувчилари турли-туман қимматбаҳо пардоз воситалари хари-дига қаердан пул топар-кан-а?! Дугоналарим айтади, мактаб ўқувчилари косме-тика воситаларидан фойда-ланишининг асл сабаби катта бўлиб қолганини “кўрсатиб қўйиш” экан. Демак, уйда балоғат ёшида-ги қизларга ёш болалардек қаралар экан-да.

Азиз қизлар, буvingиз ёки онангизнинг ёшликдаги суратига яхшилаб назар солинг. Нақадар тиниқ юзу сулин сочлар. Табиат тўхта этган чин гўзаллик барқ уриб тургандек. Бундай табиий кўриниш учун ҳеч қандай қўшимча воситалар-нинг кераги йўқ, Аслингиз-дек кўрининг.

» BIR SHINGIL FALSAFA

Азизбек АЛИМБЕКОВ

Ўхшаш

— Бобо, кимга ўхшашимни истардингиз? — эрқаланди наира.

— Ўзингга болам, ўзингга, — хўрсиниб жавоб берди бобо.

Ҳақуқам

У бир умр дунёда ҳамма излайдиган нарсани ахтариб ўтди.

МУАССИС

ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақам билан қайта рўyxатланган.



БОШ МУХАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Қамолдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Сабуллоев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзаёнов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова – бош муҳаррир ўринбосари (“Yoshlar ovozi”); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари (“Молодежь Узбекистана”); Елена Калинина – масъул котиб (“Молодежь Узбекистана”).

Дизайнерлар

Рўзиев Зафар
Хусанович
Абдуллаев Хурид
Уктамжонович

Навбатчи

Тўмарис Бутунбаева

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалда оширилиш шарт. Таҳририятта келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).

E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ, Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г-236.
Адади — 28498

Босишга тошқин вақти — 21.08
Тошқин вақти — 22.10
Ула юқуи — 22.10

Офсет ўстирилган босилган.

1 2 3 4 5